



ЁШЛАР УЧУН РАҚАМЛИ БАНДЛИК ИМКОНияТЛАРИ ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ САМАРАЛИ ЕЧИМИ СИФАТИДА

Асқарова Муҳаббат

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0002-0121-7925
muxabbat.asqarova@bk.ru

Аннотация. Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида ёшлар бандлигини таъминлашнинг замонавий тенденциялари ва рақамли бандлик имкониятларининг аҳамияти тадқиқ этилган. Рақамли трансформация жараёнларининг меҳнат бозорига таъсири, рақамли кўникмаларга бўлган талабнинг ортиши ҳамда ёшларнинг рақамли иқтисодиёт талабларига мослашуви масалалари таҳлил қилинган. Халқаро тажриба, жумладан Греция ва Қирғизистон мисолида рақамли кўникмаларни ривожлантириш ва ёшлар бандлигини таъминлаш механизмлари ўрганилган. Тадқиқот натижалари асосида ёшларни рақамли иқтисодиёт талабларига мос тайёрлаш, таълим тизимини такомиллаштириш, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини кучайтириш, рақамли тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда рақамли инклюзияни таъминлаш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, ёшлар бандлиги, рақамли кўникмалар, меҳнат бозори, рақамли трансформация, электрон тадбиркорлик, инсон капитали, инновациялар, рақамли инклюзия, масофавий меҳнат.

ЦИФРОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ЗАНЯТОСТИ ДЛЯ МОЛОДЕЖИ КАК ЭФФЕКТИВНЫЙ ИНСТРУМЕНТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЗАНЯТОСТИ МОЛОДЕЖИ

Асқарова Муҳаббат

Научно-исследовательский центр
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В данной статье исследуются современные тенденции обеспечения занятости молодежи в условиях цифровой экономики и значение цифровых возможностей занятости. Проанализировано влияние процессов цифровой трансформации на рынок труда, рост спроса на цифровые навыки и вопросы адаптации молодежи к требованиям цифровой экономики. На основе международного опыта, в частности примеров Греции и Кыргызстана, рассмотрены механизмы развития цифровых компетенций и повышения занятости молодежи. По результатам исследования разработаны научные предложения и рекомендации по подготовке молодежи к требованиям цифровой экономики, совершенствованию системы образования, укреплению сотрудничества государства и частного сектора, развитию цифрового предпринимательства и обеспечению цифровой инклюзии.

Ключевые слова: цифровая экономика, занятость молодежи, цифровые навыки, рынок труда, цифровая трансформация, электронное предпринимательство, человеческий капитал, инновации, цифровая инклюзия, дистанционная занятость.

DIGITAL EMPLOYMENT OPPORTUNITIES FOR YOUTH AS A SOLUTION TO YOUTH EMPLOYMENT CHALLENGES

Askarova Mukhabbat

Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the Economy of Uzbekistan" under Tashkent State University of Economics

Abstract. This article examines modern trends in youth employment within the context of the digital economy and highlights the importance of digital employment opportunities. The study analyzes the impact of digital transformation on the labor market, the growing demand for digital skills, and the adaptation of young people to the requirements of the digital economy. International experiences, particularly those of Greece and Kyrgyzstan, are reviewed to identify effective mechanisms for developing digital competencies and enhancing youth employment. Based on the research findings, scientific recommendations are proposed to improve youth preparedness for the digital economy, modernize education systems, strengthen public-private partnerships, promote digital entrepreneurship, and ensure digital inclusion.

Keywords: digital economy, youth employment, digital skills, labor market, digital transformation, digital entrepreneurship, human capital, innovation, digital inclusion, remote work.

Кириш.

Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) кенг тарқалиши меҳнат бозорининг трансформациялашувига олиб келиб, айниқса ёшлар учун янги бандлик имкониятларини шакллантирмоқда. Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт анъанавий меҳнат муносабатларини қайта шакллантириб, масофавий меҳнат, фриланс фаолият, платформали бандлик ва электрон тижорат орқали даромад олишнинг янги шакллари ривожлантирмоқда.

Ёшлар учун рақамли бандлик имкониятлари фақатгина ахборот технологиялари соҳасидаги иш ўринлари билан чекланиб қолмайди. Жумладан, дастурий таъминот яратиш, веб-дизайн, мобил иловалар ишлаб чиқиш, киберхавфсизлик каби юқори малакали фаолиятлар билан бир қаторда маълумотлар базасини юритиш, график дизайн, контент яратиш, рақамли маркетинг, виртуал ёрдамчилик ва онлайн хизматлар кўрсатиш каби кўплаб касбий йўналишларни ҳам қамраб олади. Бу эса меҳнат бозорига энди кириб келаётган ёшларнинг ўз билим ва кўникмаларини иқтисодий фаолиятга тезроқ интеграция қилиш имкониятини яратади.

Ёшлар улуши юқори бўлган ривожланаётган мамлакатларда рақамли бандлик имкониятларидан самарали фойдаланиш ёшлар ишсизлигини қисқартиришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Рақамли платформалар географик чекловларни камайтириб, ёшларга миллий ва халқаро меҳнат бозорларида иштирок этиш имконини беради. Натижада ёшлар ўз яшаш ҳудудидан қатъи назар глобал меҳнат бозорига чиқиш, янги даромад манбаларини шакллантириш ва рақобатбардош кўникмаларни эгаллаш имкониятига эга бўладилар.

Рақамли иқтисодиёт шароитида ёшлар бандлигини таъминлашда гендер тенглик масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, қизлар ва ёш аёлларнинг рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, рақамли саводхонлигини ошириш ва онлайн меҳнат бозоридаги иштирокини қўллаб-қувватлаш рақамли бандликнинг инклюзив ривожланишини таъминлайди.

Рақамли трансформация жараёнлари меҳнат бозоридаги касблар таркиби, меҳнатни ташкил этиш шакллари ва талаб этиладиган компетенцияларни ўзгартирмоқда. Бу эса ёшлардан рақамли кўникмалар, инновацион фикрлаш, маълумотлар билан ишлаш ва узлуксиз таълим олиш қобилиятларини талаб қилади. Ёшлар учун рақамли бандлик имкониятларини кенгайтириш ва уларни рақамли иқтисодиёт талабларига мос кадрлар сифатида тайёрлаш ёшлар бандлигини таъминлашнинг энг самарали ва истиқболли ечимларидан бири ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Замонавий меҳнат бозорини ривожланиши бўйича тадқиқот олиб борган Макурин ва Козаревйч (2025) “Рақамли трансформация технологик қабул қилишдан кўпроқ нарсани ўз ичига олади; у иқтисодий ишлаб чиқариш, бизнес моделлари ва меҳнатни ташкил этишнинг кенг қамровли қайта ташкил этилишини англатади” ҳисоблайди. Ма (2024) эса ўз тадқиқотларида рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши даврида ёшлар меҳнат бозори “Рақамли иқтисодиёт учта асосий хусусият билан тавсифланади: ахборот интенсивлиги, тармоқ имкониятлари ва ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган ақл деб изоҳлайди. Ёшлар меҳнат бозорлари учун бу трансформация тадқиқотчилар “ижодий вайронкорлик” эффекти деб атайдиган нарсани яратади - бир вақтнинг ўзида анъанавий бандлик йўллари йўқ қилади ва шу билан бирга янги имкониятлар яратади деб баҳолаган Li.(2026) тадқиқотлари ўзгача ёндошувни изоҳлаб берди.

Лекин рақамли иқтисодиёт ва замонавий касбларнинг ривожланиши борасида амалий тажрибаларга эга бўлган Ма(2025) шундай деган эди: “Агар сиз иш ўринлари яратмоқчи бўлсангиз — савдони осонлаштиринг. Агар сиз кичик бизнес ва тадбиркорларга ёрдам бермоқчи бўлсангиз — уларнинг глобал ривожланишига ёрдам беринг. Агар сиз тинчроқ, очиқроқ дунёда яшашни истасангиз — кўпроқ алоқа ўрнатинг”

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, келгуси йилларда кўплаб паст ва ўрта малакали иш ўринлари автоматлаштириш, илғор ишлаб чиқариш ва 3D босиб чиқариш, робототехника, автоном транспорт ва сунъий интеллект билан алмаштирилади. Шундай қилиб, мавжуд ва янги юқори малакали иш ўринлари инновациялар ва ишчи кучига бўлган талабларни оширади.

Мазкур тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатимиз олимлари томонидан ёшлар бандлигини таъминлашнинг турли иқтисодий, ташкилий ва институционал жиҳатлари атрофлича ўрганилган. Хусусан, Холмўминов ва Хомитов(2020) томонидан олиб борилган тадқиқотларда ёшларни иш билан таъминлашнинг ташкилий механизмлари социологик баҳолаш асосида таҳлил қилиниб, меҳнат бозорида ёшларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилувчи омиллар аниқланган. Олимлар томонидан янги иш ўринларини яратиш, ишсиз ёшларни касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш чора-тадбирлари ёшлар бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишлари сифатида баҳоланган. Айниқса, мазкур ёндашувлар инсон капиталини ривожлантириш орқали меҳнат бозоридаги номутаносибликларни бартараф этишга хизмат қилиши билан аҳамиятли ҳисобланади.

Ушбу олимларнинг илмий қарашларини умумлаштирган ҳолда таъкидлаш мумкинки, ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи анъанавий иш ўринларини яратиш ёки касбга ўқитиш билан чекланиб қолмайди. Замонавий рақамли иқтисодиёт шароитида мазкур жараён рақамли технологиялар, инновацион тадбиркорлик, платформали меҳнат муносабатлари ва масофавий иш шакллари билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Шу нуқтаи назардан, ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича

илмий тадқиқотларни рақамли трансформация жараёнлари билан интеграциялаш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида илмий билишнинг умумий ва махсус усулларида комплекс равишда фойдаланилди. Ёшлар бандлиги ва рақамли иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганишда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув ҳамда статистик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асосини меҳнат бозори, инсон капитали, рақамли иқтисодиёт ва бандлик соҳасидаги хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий қарашлари ташкил этади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати, рақамли иқтисодиёт ва аҳоли бандлигини таъминлашга оид фармон ва қарорлари, давлат дастурлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўрганилди.

Ёшлар учун рақамли бандлик имкониятларининг аҳамиятини баҳолашда қиёсий ва динамик таҳлил усуллари қўлланилди. Бунда рақамли технологияларнинг ёшлар бандлигига таъсири, рақамли платформалар орқали шаклланаётган янги иш ўринлари ҳамда меҳнат бозорида талаб қилинаётган рақамли кўникмалар таҳлил қилинди. Тадқиқот натижаларини умумлаштиришда мантиқий мушоҳада, илмий абстракция ва эксперт баҳолаш усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Рақамли иқтисодиёт ва замонавий касбларнинг ривожланиши даврида ёшлар тез ўзгарувчан технологик ландшафтга тайёр эмаслигини ҳис қилишади. Ҳеч кимни ортда қолдирмаслик учун ёшлар ривожланиши ва келажакдаги глобал иқтисодий тенденцияларни бошқариши мумкин бўлган қулай муҳитни яратиш учун нуқталарни боғлаш учун кўп манфаатдор томонларнинг ёндашуви долзарб бўлиб қолади.

Рақамли иқтисодиётда ёшлар бандлигини оширишда рақамли трансформациянинг қуйидаги жиҳатларига эътиборга олиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозорининг келажакдаги тенденцияларига;
- Рақамли иқтисодиётда ишчи кучининг талабларига жавоб бериш учун зудлик билан қандай сиёсатлар ишлаб чиқирилиши зарурлигига;
- Ёшлар рақамли ўзгаришларга тўғри кўникмага эга бўлишларига ишонч ҳосил қилиш учун қандай ҳамкорликлар зарурлигига;
- Электрон тадбиркорлик инклюзив иқтисодий ўсишга эришиш учун муҳим ва ҳукуматлар электрон тадбиркорлар эҳтиёжларига қандай жавоб бера олишлигига.

1-жадвал.

Рақамли иқтисодиётнинг ёшлар бандлигига таъсир йўналишлари

Рақамли трансформация омиллари	Ёшлар бандлигига таъсири	Натижа
Рақамли технологиялар	Янги касблар пайдо бўлиши	Бандлик имкониятлари кенгаяди
Сунъий интеллект	Касблар трансформацияси	Янги кўникмалар талаб қилинади
Онлайн платформалар	Масофавий меҳнат ривожланади	Ишга кириш имконияти ошади
Электрон тижорат	Электрон тадбиркорлик ривожланади	Ўзини ўзи банд қилиш кучаяди
Рақамли маркетинг	Янги хизмат турлари шаклланади	Даромад манбалари кўпаяди

Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

1-жадвалда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ёшлар меҳнат бозорида янги имкониятларни шакллантирмоқда. Рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши натижасида анъанавий касблар билан бир қаторда дастурлаш, рақамли маркетинг, маълумотлар таҳлили ва электрон тижорат каби янги касблар вужудга келмоқда. Сунъий интеллект ва автоматлаштириш жараёнлари меҳнат мазмунини ўзгартириб, ёшлардан замонавий рақамли кўникмаларни эгаллашни талаб этмоқда. Шунингдек, онлайн платформалар ва электрон тижоратнинг ривожланиши масофавий меҳнат ҳамда рақамли тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириб, ёшларнинг ўзини ўзи банд қилиш даражасини оширмоқда. Умуман олганда, рақамли трансформация ёшлар бандлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида меҳнат бозорида рақобатбардош инсон капиталини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Дунё бўйлаб технологик ишларнинг атиги 33 фоизи зарур малакали ишчи кучи билан тўлдирилган. Бу глобал бизнес раҳбарларининг энг катта ташвишларидан биридир. Capgemini and LinkedIn томонидан ўтказилган глобал сўровда сўралган ташкилотларнинг ярми рақамли тафовут кенгайиб бораётганини ва 54% иқтидорлар этишмаслиги туфайли рақобатдош устунликни йўқотганлигини айтишди.

Жаҳон Иқтисодий Форуми ҳисоб-китобларига кўра, келгуси беш йил ичида дунёда 150 миллион янги технологик иш ўринлари яратилади ва 2030-йилга келиб иш ўринларининг 77 фоизи рақамли кўникмаларни талаб қилади.

Рақамли ютуқлар иш дунёсини ўзгартирмоқда. Тахминларга кўра, келгуси ўн йил ичида дунё бўйлаб ҳар 10 та ишнинг 9 таси рақамли кўникмаларни талаб қилади.

2-жадвал.

Ёшлар бандлигини таъминлашда рақамли кўникмаларнинг аҳамияти

Кўникма тури	Мазмуни	Меҳнат бозоридаги аҳамияти
Базавий рақамли кўникмалар	Компьютер ва интернетдан фойдаланиш	Барча соҳалар учун зарур
Ўрта даражадаги кўникмалар	Контент яратиш, рақамли маркетинг	Хизмат кўрсатиш соҳасида талаб юқори
Илғор кўникмалар	Дастурлаш, AI, Big Data	Юқори даромадли касблар учун асос
Рақамли тадбиркорлик	Онлайн бизнес ташкил қилиш	Янги иш ўринлари яратади

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида шакллантирилган

Грециядаги иш берувчилар рақамли кўникмаларга, хусусан, рақамли маркетингга эга бўлган одамларни ёллашга тобора кўпроқ интиломоқда. Шунинг учун Иш тажрибасини ўрганиш дастури 18-29 ёшдаги ишсиз ёшларни рақамли воситаларга ўргатади ва уларга қизиқарли мартаба имкониятларига йўл беради.

Европа Иттифоқининг Ёшларни иш билан таъминлаш ташаббуси (ЕИ) томонидан молиялаштирилган маблағ туфайли мингга яқин ишсиз ёшлар ўз иш имкониятларини яхшилади. Улар рақамли таркибни яратиши ва алмашиши, рақамли стратегияларни шакллантириши, қидирув тизими натижалари бўйича веб-сайт мавқеини яхшилаши, ижтимоий медиа маркетингини лойиҳалаш ва баҳам кўриши ҳамда таъсирчан натижаларга эришиш учун технологиядан фойдаланиши мумкин.

Қирғизистон аҳолиси анча ёш (ўртача ёши 24 ёш ва умумий аҳолининг 60% меҳнатга лаёқатли ёшдагилар), шунинг учун мамлакатда иш ўринларига талаб юқори. Аёллар ва ёшлар ўрта ёшли эркекларга нисбатан ишсизлик даражаси юқори. Аксариятини ёшлар ташкил этувчи аҳолининг учдан бир қисми чет элда иш излашга мажбур. Улар Россия ва бошқа мамлакатларда асосан хизмат кўрсатиш (чакана савдо, умумий овқатланиш, тозалаш, коммунал хизматлар ва ҳ.к.) ва қурилиш соҳасида нисбатан кам ҳақ тўланадиган ишларни эгаллайди. Мутахассисларнинг сўровлари шуни

кўрсатадики, чет элда меҳнат қилаётган Қирғизистон фуқаролари сони 800 мингдан ортиқ (30 фоизи аёллар). 2017 йилда Қирғизистон ҳукумати рақамли трансформация бўйича умуммиллий дастур бошланганини эълон қилди, «Таза Коом» (Ақлли миллат) шаффоф давлат, билимга асосланган иқтисодиёт, Қирғизистонда турмуш даражасини ошириш ва бизнес муҳитини яхшилашга қаратилган. Таза Коом 2040 йилгача инсон капитали ва инновацияларни атроф-муҳит билан уйғунлаштиришга қаратилган узоқ муддатли Миллий Барқарор Ривожланиш дастурининг асосий таркибий қисмидир.

3-жадвал

Халқаро тажрибада ёшлар рақамли бандлигини қўллаб-қувватлаш механизмлари

Мамлакат	Дастур	Асосий мақсад	Натижа
Греция	Work Experience Programme	Ёшларга рақамли маркетингни ўргатиш	Ишга жойлашиш имконияти ошган
Европа Иттифоқи	Youth Employment Initiative	Рақамли кўникмаларни ривожлантириш	Ёшлар бандлиги яхшиланган
Қирғизистон	Таза Коом	Рақамли трансформация ва инсон капитали	Рақамли иқтисодиёт ривожланган

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида шакллантирилган

Халқаро тажрибада ёшлар бандлигини таъминлашда рақамли кўникмаларни ривожлантириш ва рақамли трансформация жараёнларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этаётганлигини кўрсатади. Хусусан, Грецияда рақамли маркетинг ва замонавий технологиялар бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришга эътибор қаратилган бўлса, Европа Иттифоқи дастурлари ёшларнинг рақамли меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда. Қирғизистон тажрибасида эса рақамли иқтисодиётни ривожлантириш инсон капитали ва инновациялар билан узвий боғланган ҳолда амалга оширилмоқда. Мазкур тажрибалар рақамли кўникмаларни ривожлантириш, институционал қўллаб-қувватлаш ва давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини кучайтириш ёшлар бандлигини таъминлашнинг муҳим омиллари эканлигини тасдиқлайди.

Ёшларнинг рақамли имкониятларга оптимистик қарашлари яхши янгилик, аммо улар ўзларини тўлиқ жиҳозланаётганини ҳис қилмаётгани ташвиш уйғотади. Ахир улар бизнинг ишчи кучимизнинг кейинги авлоди ҳисобланадилар. Рақамли технологиялар натижасида иш ўринлари келажакда бошқача кўринишга эга бўлади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб қуйидаги хулосаларни таклиф қиламиз:

Расмий таълим тизимининг салоҳиятини ошириш ва рақамли кўникмалар бўйича янги таълим стандартларини қўллаш, ёшларни рақамли иқтисодиётга яхшироқ тайёрлаш мақсадида талабга асосланган ўқув дастурларини тақдим этиш. Бунда рақамли кўникмаларнинг янги стандартларини ўрнатиш ва расмий таълим тизимининг институционал имкониятларини кучайтириш орқали эришиш, бу эса ёшларни ишга тайёр, узатиладиган рақамли кўникмалар, жумладан, асосий, ўрта ва юқори рақамли тадбиркорлик ва таълимда рақамли кўникмаларни ривожлантиришни яхшироқ интеграция қилиш учун ўқитувчиларнинг рақамли технологиялар асосида малака оширишларини таъминлаш.

Мамлакатда рақамли иш ўринлари ва бизнесларнинг ўсишини тезлаштирадиган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун хусусий сектор билан инновацион ҳамкорлик учун платформа яратиш. Бунда рақамли бозорларнинг глобал

тенденциялари, рақамли иш ўринлари ва зарур кўникмалар тўплами бўйича тавсиялар бўйича мутахассислар ва хусусий сектор билан бозор тадқиқотларини олиб бориш.

Рақамли иқтисодиётнинг ўсиб бораётган талабини қондириш учун фундаментал ва ривожланаётган рақамли кўникмаларни шакллантириш учун олий таълим тизимида янги таълим стандартлари ва ўқув дастурлари, шу жумладан ногиронлар ва қизлар учун рақамли инклюзия стандартлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва норасмий таълим шароитларида янги таълим моделларини қўллаш;

Ёш компьютер дастурчилари, интерфейс дизайнерлари, хусусий сектор лойиҳа менежерлари ва мавзулар бўйича мутахассисларни бизнесни кенгайтириш мумкин бўлган янги ечимлар ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш;

Тадбиркорлик салоҳиятини яхшилашга ёрдам берадиган рақамли муҳитнинг роли. Бу махсус технологияларни эмас, балки марказлар ва инкубаторлар каби рақамли йўналтирилган жойларни ўз ичига олади. Бундай жойлар онлайн эмас, балки "ҳақиқий дунёда" мавжуд бўлишини таъминлаш.

Бундан ташқари, рақамлаштириш концепцияси глобаллашув билан чамбарчас боғлиқ: ихтисослаштирилган кўникмаларга бўлган талаб турли минтақалар ва турли кўникмаларга эга бўлган ишчиларга бир иш учун рақобатлашишга имкон беради, глобал меҳнат майдонида рақобатни кучайтиради ва тажрибасиз ёшларнинг кириши учун тўсиқлар ўрнатади. Ёш иш изловчилар учун яна бир тўсиқ бу сунъий интеллектнинг (АИ) ўсиб бораётган интеграциясидир. Бу эса ёшлар олдида турган муҳим муаммолардан бири доимий равишда малака ошириш ва мослашишни талаб қилувчи технологияларнинг доимий эволюциясидир. Бунга жавобан, глобал таълим тизими ўзгариши керак, талабаларни тез ўзгарувчан меҳнат бозорида рақобатбардош номзодлар сифатида пайдо бўлиш учун муаммоларни ҳал қилиш қобилияти билан қуроллантирилиши керак.

Адабиётлар /Литература/References:

A. Makurin and S. Kozarevych, (2025) "DIGITAL TRANSFORMATION OF EMPLOYMENT AND ITS IMPACT ON THE FUNCTIONING OF LABOR MARKETS," *International Humanitarian University Herald. Economics and Management*, 2025, doi: 10.32782/2413-2675/-64-10.

[file:///C:/Users/user/Downloads/wcms_851818%20\(1\).pdf](file:///C:/Users/user/Downloads/wcms_851818%20(1).pdf)

<https://includeplatform.net/news/digital-skills-for-youth-employment-in-africa/>

<https://unctad.org/meeting/youth-employment-digital-economy>

<https://www.fenews.co.uk/skills/60-of-young-adults-stumble-into-digital-careers-finds-new-report/>

<https://www.youthemployment.org.uk/careers-advice-help/choices/digital-skills/>

X. Li, (2026) "Research on the Mechanism of the Digital Economy's Impact on Labor Market Structure," *Financial Economics Research*, Jan. 2026, doi: 10.70267/fer.250301.6468.

Y. Ma, (2024) "Impact of digital economy development on labor force employment," *Highlights in Business, Economics and Management*, , doi: 10.54097/65xnm06.

Youth Employment (2017) in the Digital Economy 25 April.

Ш.Р.Холмўминов ва К.З.Хомитов. (2020) Қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашнинг самарали ташкилий механизмлари таъсирини аниқ социологик баҳолаш // Иқтисод ва молия журнали 1 сон, 86-95 бетлар.